

Фиқҳ дарслари (86-дарс). Убайдуллоҳ ибн Масъуд



13:00 / 21.05.2020 4855

Бу имомнинг тўлиқ исмлари Убайдуллоҳ Содруш-шарийъа ал-Асғар ибн Масъуд ибн Тожуш-шарийъа Маҳмуд ибн Содруш-шарийъа Аҳмад ибн Жамолуддин Убайдуллоҳ ал Маҳбубий ал Бухорийдир.

«Содруш-шарийъа ал Асғар» «Кичик Содруш-шарийъа» деганидир. У кишининг катта боболарининг лақаби ҳам Содруш-шарийъа бўлганлиги наслабларидан кўриниб турибди. Шунинг учун катта бобо «Содруш-шарийъа ал Акбар» - «Катта Содруш-шарийъа», набира эса «Содруш-шарийъа ал Асғар» - «Кичик Содруш-шарийъа» деб аталган.

Баъзи манбаларда икковлари «Содруш-шарийъа биринчи» ва «Содруш-шарийъа иккинчи» деб ҳам фарқланган.

Аммо Содруш-шарийъа лақаби асосан Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий раҳматуллоҳи алайҳига нисбатан ишлатилган.

Ином Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий Бухоро шаҳрида, ота-боболаридан бошлаб барча авлодлари илм ва фиқҳ уламолари бўлиб келаётган оиласда туғилиб, вояга етдилар.

Боболари имом Тожуш шарийъа Маҳмуд ибн Содруш-шарийъанинг тарбиялари натижасида машхур аллома бўлиб етишдилар.

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорийнинг имом Абу Ҳанифага етиб борадиган санадлари қуидагича:

1. Боболари Тожуш шарийъа Маҳмуд ибн Содруш-шарийъа.
2. Катта боболари Аҳмад ибн Жамолуддин.
3. Жамолуддин Убайдуллоҳ ал Маҳбубий.
4. Шайх имом Муфтий Имомзода.
5. Шайх Имодуддин.
6. Шамсул Аимма Заранжарий.
7. Имом Сарахсий.
8. Имом Ҳалвоний.
9. Абу Али Насафий.
10. Имом Маҳмуд ибн Фазл.
11. Имом Субазмуний.
12. Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс Кабир.
13. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний.
14. Имом Абу Ҳанифа.

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий замонасининг кўзга кўринган алломаларидан бўлиб, айниқса усулу фикҳ, фуруъул фикҳ, хилоф, жадал, ҳадис, наҳв, луғат, адабиёт, илми қалом, мантиқ каби илмларда пешқадам бўлганлар.

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий бир қанча китоблар таълиф қилганлар. Улар қуидагилар:

1. «Ал-Вишоҳ».
2. «Таъдилул улум».
3. «Шарҳул Виқоя».
4. «Ал Муқаддимотул Арбаъа».

5. «Аш-Шурут вал Маҳозир».

6. «Ат-Танқийҳ».

7. «Ат-Тавзийҳ».

Имом Убайдуллоҳ ибн Масъуд ҳанафий мазҳабидаги машхур усулул фиқҳ олимларидан биридирлар. Бу имомнинг «Ат-Танқийҳ» деб аталган китоблари усулул фиқҳ соҳасидаги мўътабар китоблардан ҳисобланади.

Имом ибн Масъуд бу китобларини ёзишни бошлишлари билан имомнинг дўст ва биродарлари унинг қўлёзмасидан кетма-кет кўчириб бордилар. Натижада асар ёзиб тугалланишидан олдин тарқалди. Кўчиришда баъзи хатоларга йўл қўйилган эди. Имом ибн Масъуд бундан огоҳ бўлгач, «Ат-Танқийҳ»га «Ат-Тавзийҳ фий ҳалли ғавомиз ат-Танқийҳ» номли шарҳ ёздилар.

8. «Ниқоя Мухтасари Виқоя».

Имом Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Бухорий ҳижрий 747 или Бухоро шаҳрида вафот этдилар. Имомнинг мақбаралари Бухоро шаҳридадир.

«Кифоя» китобининг 1-жузидан